

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

70310501- *Рақамли иқтисодиёт* магистратура мутахассислигининг
малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим стандарти. Асос қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

1. 70310501 – Рақамли иқтисодиёт магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 70310501 - Рақамли иқтисодиёт магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.	4
1.1.2. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:	4
1.2. 70310501 - Рақамли иқтисодиёт магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1. 70310501 - Рақамли иқтисодиёт мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг соҳалари:	4
1.2.2. 70310501 - Рақамли иқтисодиёт мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:	5
1.2.3. 70310501 - Рақамли иқтисодиёт мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари	5
1.2.4. 70310501 - Рақамли иқтисодиёт магистратура мутахассислигининг касбий вазифалари:	5
2. 70310501 - Рақамли иқтисодиёт магистратура мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	7
2.1. Умумий компетенциялар:.....	7
2.2. Касбий компетенциялар:	7
Библиографик маълумотлар	9
Келишув варағи	10

1. 70310501 - Рақамли иқтисодиёт магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70310501 - Рақамли иқтисодиёт магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 70310501 - Рақамли иқтисодиёт магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **70310501 - Рақамли иқтисодиёт магистратура мутахассислиги** бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлари;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70310501 - Рақамли иқтисодиёт магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70310501 - Рақамли иқтисодиёт мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг соҳалари:

70310501 - Рақамли иқтисодиёт – рақамли иқтисодиёт, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш жараёнлари ва механизмлари, бизнесни бҳолаш, индустрия 4.0, инновация ва лойиҳаларни бошқариш, интернет-маркетинг соҳаларига оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, илмий-тадқиқот марказлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий-тадқиқот фаолиятини юритиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарда нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектларида бизнесни инновацион ривожлантириш бўйича ишларни ташкил қилиш ва бошқаришга оид комплекс масалаларни ҳал этиш, шунингдек, бизнесни баҳолаш ва таҳлил қилиш, интернет маркетинг, сотиш ва хизматлар истиқболини белгилаш.

Касбий кўникма рақамли иқтисодиётга йўналтирилган усуллар, методлар ва услублари мажмуасини ўрганиш орқали эришилади.

1.2.2. 70310501 - Рақамли иқтисодиёт мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- Олий таълим, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, профессионал таълим муассаларида педогогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассаларида илмий фаолият илмий тадқиқот фаолияти ва жараёнлар.
- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналарни бошқариш жараёни;
- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги инновацион жараёнлар ва инновациялар;
- корхоналарда бизнес моделларини ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш, ривожлантириш;
- ахборот-коммуникация технологиялари тизимлари ва тармоқлари;
- олий ва ўрта махсус таълим тизими ташкилотлари;
- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари
- илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлиқ академик, илмий тадқиқот ва муассаса ташкилотлари;
- илмий тадқиқот жараёни;
- молиявий ва пул оқимлари, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва тадқиқот жараёнлари билан боғлиқ бўлган бошқа иқтисодий жараёнлар;
- ўқув жараёни.

1.2.3. 70310501 - Рақамли иқтисодиёт мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- Илмий-тадқиқот фаолияти;
- Ишлаб чиқариш-технологик фаолияти;
- Ташкилий-бошқарув фаолияти;
- Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);
- Консалтинг хизмати фаолияти

1.2.4. 70310501 - Рақамли иқтисодиёт магистратура мутахассислигининг касбий вазифалари:

70310501 - Рақамли иқтисодиёт магистратура мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш, мижозлар эҳтиёжини таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- бизнес жараёнлар ва IT-инфраструктура стратегиясининг корхона мақсадига мувофиқлигини таҳлил қилиш;
- фундаментал ва амалий изланишлар олиб боришда иштирок этиш ва мустақил олиб бориши;
- бошқарув ва АКТ соҳасига оид янгиликларни таҳлил қилиш;
- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаши;
- илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиши;
- корхонада ахборот хавфсизлигини бошқариш;
- техник хизмат кўрсатиш ҳаражатларини оптималлаштириш ва IT инфратузилмасини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиши *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- лойиҳаларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш, лойиҳа командасини бошқариш;
- иқтисодиёт, бошқарув ва АКТ соҳасидаги янгиликларни излаш ва таҳлил қилиш;
- корхоналарда инновацион ва тадбиркорлик фаолиятини бошқариш ҳамда инновацион салоҳиятини ривожлантиришни бошқариш, корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолиятда (ўрнатилган тартибда):

- олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан ўқув устахоналарида ўтказиш;
- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- интерфаол технологиялар: аудиторияда ва амалиётда тадқиқот лойиҳалари ва бизнес симуляторлари ва бошқаларни ташкиллаштириш;
- узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- мутахассислик бўйича электрон тижорат соҳасида мавжуд жараёнларни аналитик шарҳини ишлаб чиқиш.

2. 70310501 - Рақамли иқтисодиёт магистратура мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- Илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- Хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педогогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана олиш;
- Янги билимларни мустақил эгаллай билиши касбий вазифаларга мувофиқ маҳорат ва шахсий фикларни билдириши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- Ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятда фойдалана олиши;
- Ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила олиши;
- Интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш воситаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, рақамли иқтисодиёт соҳасидаги бизнес лойиҳаларни бошқариш, DataScience (маълумотлар илми) технологиясига асосланган рақамли трансформация шароитида бизнес жараёнларини моделлаштириш, интернет маркетинг соҳасини яхши билиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- Илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар ва конференцияларни ташкил қилиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- Педогогик фаолиятида ахборот ва педогогик технологиялардан фойдаланишни билиши;

- Таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндошишни билиши;
- Илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойихаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- электрон бизнес моделларни тузиш ва уларни амалга оширишни билиш;
- халқаро электрон савдо тармоқларида ишлай олиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- Интернет ресурсларидан фойдаланиб маҳсулот ва хизматлар ҳақида статистик ва динамик маълумотларни таҳлил қилиш ва ишланмаларни амалиётга тадбиқ этишни билиш;
- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;
- Маълумотлар базасини яратиш, маълумотларни қайта ишлаш, тўлдириб бориш, маълумотлар излаш бўйича администратор хизмати;
- Маълумотлар базасини яратиш, таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Маълумотлар базасини таҳлил қилиш асосида олдиндан эришиш мумкин бўлган натижаларни башорат қилиш ва хулосалар чиқариш;
- иқтисодий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш малакасига эга бўлиш;
- маъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни иқтисодий экспертизадан ўтказишни билиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, техник-иқтисодий ривожланиш суръатларини моделлаштириш ва инновация жараёнларини прогнозлаштириши, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида молиявий режалаштириш, рақамли иқтисодиёт, бизнес жараёнини бошқариш, ахборот хавфсизлик сиёсатини ишлаб чиқиши, ахборот технологияларини инновацион бошқариши, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, ахборот хавфсизлиги, фан ишчи дастурлари, инновация ва инновацион жараёнлар, маълумотлар базаси, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари университети
Ректор в.б. Б.Махкамов

202__ йил «__» >>



КЕЛИШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва
илғор технологиялари тадбиқ этиш
маркази директори
Директор М.Эсонов



202__ йил «__» >>

М.Ў

Ўзбекистон Республикаси Ахборот
технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш
вазирлиги Таълим муассасалари
фаолиятини мувофиқлаштириш ва соҳа
кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш
бўлими
бош мутахассиси Х. Собиров



202__ йил «__» >>

М.Ў

АТ "АЛОКАБАНК"

Бошқарув раиси К. Ирисбекова

202__ йил «__» >>

М.Ў.



"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК

Бош директор Н. Хасанов

202__ йил «__» >>

М.Ў.

